

Ўзбекистон Республикаси
аҳолисининг умумий даромадлари
2025 йил январь-декабрь ойлари бўйича дастлабки маълумот

- I. Аҳолининг умумий даромадлари тўғрисида маълумот
- II. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми
- III. Республика ва ҳудудлар кесимида аҳоли умумий даромадлари таркиби
- IV. Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати ва улуши
- V. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши
- VI. Трансфертлардан олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши
- VII. Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши
- VIII. Аҳолининг умумий даромадлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Аҳолининг умумий даромадлари тўғрисида маълумот

Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-декабрь ҳолатига аҳолининг умумий даромадлари **1 134,3** трлн сўмни ташкил этди. Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларининг асосий турларидан бири – истеъмол нархлари индекси (ИНИ)дан фойдаланилади. Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати **109,2 %** ни ташкил этди.

Аҳолининг умумий даромадлари
2025 йил январь-декабрь

	Ҳажми	Номинал ўсиш суръати, % да	Реал ўсиш суръати, % да
Аҳолининг умумий даромадлари, трлн сўм	1 134,3	118,9	109,2
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, млн сўм	29,9	116,6	107,2

2025 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **29,9** млн сўмни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати **116,6 %** ни ва реал ўсиш суръати **107,2 %** ни ташкил этди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли умумий даромадлари ҳажми \(чораклик\)](#)

[Аҳоли жон бошига умумий даромадлари ҳажми \(чораклик\)](#)

[Аҳоли жон бошига умумий даромадлари реал ўсиш суръатлари \(чораклик\)](#)

[Аҳоли умумий даромадлари реал ўсиш суръатлари \(чораклик\)](#)

II. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳри (**73 910,5** минг сўм), Навоий (**44 694,2** минг сўм), Бухоро (**35 176,2** минг сўм) ва Хоразм (**31 136,0** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Аксинча Қорақалпоғистон Республикаси (**20 656,0** минг сўм) ҳамда Наманган (**21 304,6** минг сўм), Сурхондарё (**22 572,2** минг сўм), Жиззах (**22 907,4** минг сўм), Сирдарё (**23 339,5** минг сўм), Қашқадарё (**23 517,5** минг сўм), Самарқанд (**24 471,0** минг сўм), Фарғона (**24 582,7** минг сўм), Андижон (**26 275,9** минг сўм) ва Тошкент (**29 830,9** минг сўм) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромадлар бўйича ўртача республика даражасидан қуйи кўрсаткичлар қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажми

2025 йил январь-декабрь

	Ҳажми, минг сўм	Реал ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	29 935,5	107,2
Қорақалпоғистон Республикаси	20 656,0	103,8
Андижон	26 275,9	100,6
Бухоро	35 176,2	108,0
Жиззах	22 907,4	105,0
Қашқадарё	23 517,5	108,5
Навоий	44 694,2	107,1
Наманган	21 304,6	105,7
Самарқанд	24 471,0	106,2
Сурхондарё	22 572,2	106,5
Сирдарё	23 339,5	106,7
Тошкент	29 830,9	104,4
Фарғона	24 582,7	114,8
Хоразм	31 136,0	108,7
Тошкент ш.	73 910,5	108,5


Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиши Фарғона (**14,8 %**), Хоразм (**8,7 %**) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (**8,5 %**) ва Қашқадарё (**8,5 %**) вилоятида кузатилди.

Шу билан бирга Навоий (7,1 %), Сирдарё (6,7 %), Сурхондарё (6,5 %), Самарқанд (6,2 %), Наманган (5,7 %), Жиззах (5,0 %), Тошкент (4,4 %) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (3,8 %) ва Андижон вилоятида (0,6 %) аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

III. Республика ва ҳудудлар кесимида аҳоли умумий даромадлари таркиби

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 60,4 % и) шаклланди. Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 6,7 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 3,3 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 29,6 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби 2025 йил январь-декабрь



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида бирламчи даромадларнинг улуши](#)

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадларнинг улуши](#)

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши](#)

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши](#)


Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлари (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар)нинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (77,9 %) кузатилди. Аксинча, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган

даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши **22,1 %** ни ташкил этди.

Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Бухоро вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли умумий даромадларига нисбатан **30 %** дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, **13,6 %** ни ташкил этди.

Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби
2025 йил январь-декабрь



■ Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар

■ Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар

■ Трансфертлардан олинган даромадлар

IV. Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати ва улуши

2025 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари **26,4 %** ни ташкил қилди. Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати **120,3 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,3 %** га ўсишини таъминлади.

Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши сезиларли таъсир кўрсатган.

**Жами ёлланма ишчилар даромадларининг ҳудудлар бўйича тақсимои ва
умумий даромадлар таркибидаги улуши**
2025 йил январь-декабрь

	Жами ёлланма ишчилар даромадларида ҳудудларнинг улуши, % да	Умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, % да	Ёлланма ишчилар даромадларининг умумий даромадлари ҳажми ўсишига таъсири, % да
Ўзбекистон Республикаси	100,0	26,4	5,3
Қорақалпоғистон Республикаси	3,7	26,1	3,8
Андижон	6,2	20,2	4,8
Бухоро	4,3	17,4	2,8
Жиззах	2,7	22,3	4,3
Қашқадарё	5,1	17,5	3,4
Навоий	6,3	38,3	7,1
Наманган	4,2	18,5	3,2
Самарқанд	6,1	17,0	3,3
Сурхондарё	3,7	16,6	2,9
Сирдарё	2,0	27,2	5,6
Тошкент	8,8	28,7	4,9
Фарғона	6,1	17,7	2,8
Хоразм	3,5	16,2	2,5
Тошкент ш.	37,3	48,4	11,4

**V. Мустақил равишда банд бўлишдан
олинган даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши**

Жорий даврда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **116,2 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,6 %** га ўсишини таъминлади.

Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг энг юқори улуши Жиззах вилоятида **51,6 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **115,0 %** ни ташкил этди.

Худди шундай Тошкент вилоятида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши **43,9 %** ни ва ўсиш суръати **115,9 %** ни ва Бухоро вилоятида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар улуши **43,9 %** ни ва ўсиш суръати **116,8 %** ни ташкил этди.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган
даромадларнинг ўсиш суръати ва улуши**
2025 йил январь-декабрь

	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати, % да	Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	116,2	34,0
Қорақалпоғистон Республикаси	114,7	35,4
Андижон	109,7	37,2
Бухоро	116,8	43,9
Жиззах	115,0	51,6
Қашқадарё	117,1	42,1
Навоий	115,9	39,6
Наманган	117,3	41,9
Самарқанд	115,4	36,7
Сурхондарё	116,6	42,6
Сирдарё	117,1	40,0
Тошкент	115,9	43,9
Фарғона	117,7	33,7
Хоразм	117,4	38,0
Тошкент ш.	121,8	10,7

**VI. Трансфертлардан олинган даромадларнинг
ўсиш суръати ва улуши**

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2025 йилнинг январь-декабрь ойлари маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **123,2 %** ни ташкил этди. Ушбу даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертларнинг улуши **29,6 %** ни ташкил этди.

2025 йилнинг январь-декабрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг **29,1 %** ини ижтимоий трансфертлардан олинган даромадлар ташкил қилган бўлса, **70,9 %** ини бошқа жорий трансфертлардан олинган даромадлар ташкил қилди.

Ижтимоий трансфертлар таркибида пенсиялар энг кўп улуш – **83,8 %** ни ташкил қилган бўлса, нафақалар **14,4 %** ни, стипендиялар **1,8 %** ни ташкил этди.

2025 йилнинг январь-декабрь ойлари бўйича аҳолининг умумий даромадлари таркибида (бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи) республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг улуши **21,0 %** ни ташкил этди.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши

2025 йил январь-декабрь

Фарғона	32,5 %	Наманган	22,8 %
Хоразм	31,1 %	Қорақалпоғистон Респ.	18,3 %
Андижон	30,0 %	Тошкент ш.	13,8 %
Самарқанд	28,8 %	Сирдарё	13,1 %
Сурхондарё	26,7 %	Жиззах	9,7 %
Бухоро	24,5 %	Тошкент	6,2 %
Қашқадарё	24,5 %	Навоий	5,3 %


VII. Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши

2025 йилнинг январь-декабрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолисining умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши **58,0 %** ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (**66,6 %**), Бухоро (**64,2 %**), Тошкент (**63,5 %**), Наманган (**61,9 %**), Хоразм (**61,5 %**), Сурхондарё (**61,0 %**), Қашқадарё (**60,9 %**) ва Самарқанд (**60,1 %**) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади. Тошкент шаҳрида (**48,9 %**) эллик фоиздан кам улушни ташкил этди.

Умумий даромадлар таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши

2025 йил январь-декабрь



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши \(ҳудудлар бўйича\)](#)

VIII. Аҳолининг умумий даромадлари бўйича ўтлаб тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Аҳолининг умумий даромадлари доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Миллий статистика қўмитаси ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда Жаҳон банки томонидан тавсия этилган методология асосида олинган уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотларидан, бундан ташқари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Халқаро статистика амалиётига мувофиқ равишда, қисмларга ажратиш мақсадида умумий даромад, қоидага кўра “бирламчи даромад” ва “трансфертлардан олинган даромадлар”га бўлинади, бу ўз навбатида бандлик ҳолати ёки ижтимоий таъминот тизимида боғлиқ ҳолда институционал ўзгаришларнинг таъсирини кузатиш имконини беради.

Метамаълумот учун ҳавола:

[Аҳоли умумий даромадлари](#)

[Худудлар бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадлари](#)

Тайёрлаш учун масъул:

Аҳоли турмуш даражаси статистикаси
ва камбағалликни баҳолаш бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63-уй
Боғланиш учун: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (12-61)

